

Улуг форс-тожик шоири Абдурахмон Жомийнинг «Хирадномайи Искандарий»сида шундай хикоят бор; дунёни эгаллашга касд килган Искандар, ниҳоят, бир шаҳарга етиб келади. Бу шаҳар – тенг ҳуқуқли, олижаноб фазилатли одамлар шаҳри. Жаҳонгирни у ердаги аҳолининг феълу атвори иттифоқо хайратга солади. Шаҳардаги барча одамлар тубан кимсаларга хос бутун иллатлардан йирок. Уларнинг лаблари гийбат ва бўхтонларга юмук. Хамма факат яхшилик ва эзгуликка сизиниб яшашаркап. Унда «на бой бор, на гадо». Оғир меҳнатдан бели буқиклар учрамайди. Давлат йўқ. Султон йўқ. Халқ озод. Каноатли. Эркин. Искандарнинг, дили маърифатга тўла, допишманд, том маънода руҳан эркин бир шахс билан бўлган баҳсу мулоқоти янада характерли. Бу собир зот инсон гурури, кадри ва қонеълик ҳақидаги теран мулоҳазалари билан зобит шохни лол қолдиради. Искандар шаҳар халқига уни подшоҳ этиб тайинлашни таклиф қилганида, у: «Мен мардиозодаам. Ба роҳи хавас пой нанходаам... Надорам тамаъ ганжу симу зарат, Чу мор, аз чӣ халқа занам бар дарат?» –яъни: «Мен озод қишиман. Хою-хавас йўлига қадам қўймадим... Ганжу сим, шухрату зар тамаъ» йўқ, Нега даргоҳингда илонга ўхшаб халқаланиб тўлганишим керак?»– дея рад жазобини беради.

Албатта, бу идеал гоё, орзудан яралган қахрамон ҳақиқати. Лекин дунё то хануз турли халқлар, элатлар толеидаги қуллик, хали юраклардан қон силқитаётган тенгсизлик, забунликларга чора ахтараётган экан, хали муқаммал инсон тушунчаси ҳаёлий бир тушунча бўлиб қолаётган экан, Жомий тасвиридаги бундай гоё ва қахрамон эътиқоди ҳаётий қучга эга ва умидбахтдир. Бугина эмас. Шарқимизнинг энг истеъдодли, инсонпарвар шоирларининг қалб ва виждонида доимий бир дард ҳокимлик қилган. Бу – шахс ички ҳаёти, маънавий эркинлигини ҳимоя қилиш, инсон ўзлигини топиш, англаш йўлидаги ҳур қарашларини қучайтириш дарди. Айни шу гоёвий йўналишда гуманист санъаткорларнинг мақсад ва эътиқодлари бирлик топган, зулм, жаҳолат, ёвузликнинг ҳар қандай турига қарши шеъриятнинг ягона қураш пафосини ақс эттирган. Шунинг учун ҳам ўзбек демократик адабиётининг улкан вақили, маърифатпарвар лирик шонр Зоқиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат поэзиясидаги айрим фикру туйғулар, айтайлик, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийга ўхшаш даҳоларнинг нуқтаи назарларига яқин, ҳамоҳанг бўлиши муқаддас тасодифий эмас, Фурқатнинг мана бу мисраларидаги Маъноларнинг Жомий талқинидаги ўша идеал қахрамон тушунчаларига уйғунлигини қўринг:

Биз истиғно эли қичқирмогон маъвога бормасмиз,

Агар чинданки, хирман айласа дунёга бормасмиз.

Агар лаб ташна қолсақ филмасал саҳройи оламда,

Малолат зохир этса мавж уран дарёга бормасмиз.

Ушбу сўзлар ўз қадрини ҳар нарсадан муқаддас қўрган, «гурури порлоқ», «саҳройи оламда» лаб ташна қолганда ҳам, заррача бўлсин, руҳий ҳурлигига малолат

чўқтирмайдиган иродаси мустаҳкам халқ – зўқо аждодларимиз тилидан битилган. Бу жуда муҳим, халқнинг номуси ва миллий шуурини адабий қолаб борадиган ҳислат.

Табиатан теран, нияти ҳолис, олижаноб фазилатларига ишончи зўр миллат вақилигина,

«Агарчи мис эрурмиз қиммати тиллога бормасмиз», – дейиши ва «хаво лойига ботган

моумонлик», маҳдудлик, худбинликлардан юз ўғирганлигини дадил изҳор этиши мумкин.

Шеър давомида ўқиймиз:

Биз эллар – фақр элимиз, парча қонга сабр айлармиз,

Гараз дунё учун Искандару Дорога бормасмиз.

Хакикий шоир учун рухни яшнатадиган худди шундай гурур зарур. Ўшандагина унинг тафаккури тиканли симлар чамбаридан, озод, хакикат маъволарига чиқади. Ўшандагина у хукуксиз, бироқ эрксевар омманинг истак ва дил изтиробини поэтик сўзда махорат билан шакллантира олади. Фуркат шеърятининг энг ёркин ва ибратлп гоъвий-бадиий жихатларидан бири ҳам мана шунда.

Фуркат ижодиётида «Уч хароботий зрурмиз» сўзлари билан бошланадиган бир мусаддас бор. Шоир унда уч шахс номидан сўзлайди ва уларни аввал «сокин майхона», «уч хароботий» кейин «уч аламкаш», «уч каландар», «уч биродар», «уч мусофир», «уч адойи», «уч навоий», яъни навокаш, «уч гарибий», «уч вафойи», «уч балокаш», «уч мукаддар» ниҳоят яна уч хароботий холатида шеърхонга таништиради. Мусаддаснинг хар банди охирида:

Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизнинг жононимиз,

Ушбу даврон бирла ўтсак йўк эрур армонимиз, –

сатрлари изчил такрорланади. Хўш, бу кандай жафосиз ёру, армонлардан фориғ канака даврон? Жаҳон кезиб, «офокни сарбасар», «вафодин ахли оламни беасар» кўрган, сухан айлаб «хаманинг кўзи кўру кулоги кар» лигига шубхаланмаган ва:

Тамом сайр килиб рўзгор богини,

Мурод нахлини топдимۇ бесамар кўрдйм, –

деган шоир, нега ушбу мусаддасида гоъвий позициясидан бир кадар чекинди экан?

Фуркатшунос олимлари¹ миз бу мусаддаснинг шоир поэтик меросидаги бошка асарлардаи ажралиб туришини ўринли таъкид этганлар. Масалан, Максуд Шайхзода уни шонр лирикасининг «шоҳ асари саналишга лойик» деб баҳолаган эди.

Мусаддасда сўфиёна мазмундаги шеърларда тадбик килинадиган сўз, ибора, анъанавий образлар анчагина. Лекин улар мутлако бошка максадга хизмат килади. Шоир «уч каландармиз, каландархонада хамхонамиз» ёки «хонакоҳ кунжиги бориб ёки тоат айлалук» деган ўринларда шунчаки лутф охангида гапиради. Ахир, тоат-ибодатга ихлоси зўр кишилар «ёки тоат айлалук», дея маъно вазнини бу тарзда енгиллаштирамайди. Демокчимизки, бундай вазиятларда сўзлагувчининг сўзига эмас, холига бок деган хикматга риоя килишга тўгри келади. Мана ўшандагина рухий моҳият очилади. Мусаддасда эса бош хакикат – рух хакикати. Унда эркинликдан «нашъа пайдо» килган озод рух овози ва хаёлий манзаралари такрорланмас рангларда жонлантирган.

Мана, тингланг:

Уч навоиймиз, келинлар, азми гулшан айлалди,

Андалибга кўшулуб ул ерни маскан айлалди.

Куйдуруб гул, шоху яфрогини гулхан айлалди,

Чил танни на этармиз, ўзни чор тан айлалди:

Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизнинг жононимиз,

Ушбу даврон бирла ўтсак йўк эрур армонимиз.

Бу – рухий холат, самовий хислардан ёришган рухнинг озод парвози. Бундай рухий эхтироснинг кудратини ичдан туймаган, юракка сигдирмаган одам тобе, чекланган.

Бошканингмас, ўзининг, ўз вужудининг тобеси. Фуркат аввало ана шундай карамликка карши.

Умуман олганда, мусаддасда риндона хиссиёт ва кайфиятлар етакчидай. «Уч аламкаш»–гохо уч хакикий ошик, уч исёнкор, гохо дин хомийларига ва таълимотига ён бермас уч шаккок сиймосида ҳам кўзга ташланади. Буларнинг хаммасинн инобатга олган

холда айтиш керакки, ушбу шеърнинг бош ва белгиловчи пафоси – эрксеварлик. Шеърда гунохкор замин, бўгик замон, гумрохликларга кўмилган жамият, бир-биридан баттар акидапараст кимсалар, хуллас, нобакор оламдан беҳад юкори эрк мухити яратилган. Шунинг учун уни ўқиган киши калбини, албатта, юксак сезади. Инсон рухи дунёдаги энг озод кудрат эканлигига тўла инонади. Агар мусаддасдаги «Холимиз дунё гамидин фориғи кошонамиз», «На хирси домдурмиз, на асри донамиз», «Бокмалук дунё юзига, то анго ноз айлалук» шеър каби кахрамонлари характер мантикларини таъкидловчи мисралар мазмуни ўша поэтик мухитдан ажратилиб тушунилса, унда хур фикр бу уч биродар таркидунёчилик таргиботчисига айланиб қолиши эҳтимол. Холбуки, уларнинг калб хошиши, асосий орзуси хижрон кафасидан кутулиб, ер висолига эришмоқдир:

Уч вафойимиз, келинлар, азми гулзор айлалди,
Боргали ёр олдиға ўзни сабузбор айлалди,
Ерни уйкусидин бир лахза бедор айлалди,
Хох беҳуд бўлоди, хох ўзни хушёр айлалди...

Бизнингча, мусаддасда анъанавий ёр ва ошак образлари Фуркат учун кўпроқ восита бўлган. Шу воситада шоир замонасидаги ўзўзича голиб, эрксевар тасликда бағоят хушёр, дарвешликда ниҳоятда оқил ва ориф кишиларнинг юрак оханглари, маънавий рухий интилашларини поэтиклаштирган.

Маълумки, табиатни севмаган, коинотга бағрини кенг очмаган шоир, калбан оламнинг улуг гармониясидан ажралиб қолади, борликка шуурсиз, сўник нигоҳ ташлайди. Бу ҳам ўзига хос тутқунлик. Чекланиш. Чин шоирда коинот билан сирлашадиган тил, фазовий кенгликларда чарх урадиган рухий канот шаклланмоғи шарт. Машрабнинг «Руҳи жоним аршга етди мен ўзим осмониман», дейиши шунчаки гап бўлмаган. Фуркат ҳам хақиқий шоирларга хос савки табиий билан ижтимоий мухитдан топмаган эркинликни инсон борлик ва табиат бағридан топиши муқаррарлигини муқаммал хис қила олган, Табиат нима? Бу – биринчи навбатда, хаёт, тириклик тантанаси. Ўзгаллик, нафосат манбаи сифатида табиат сира туганмас ва чегарасиздир. Унинг ўзи – шоир мусаввир ва тенгсиз меъмор. Шунинг учун хар жихатдан олим калбини суяшда табиатга тенг кудрат йўқ. Қадимги хинд эпоси «Махабхарата» хикоятларидаги, бўгик мухит толиқтирган, ёвузликлардан калблари зада баъзи кахрамонлар табиат бағрига қочишлари, эркинлик истаб ўзларини табиатнинг она қучоғларига ташлашлари бсжизмас. Кизиги шундаки, улар хатто росмана қийимларини ҳам алмаштириб, тоғ, ўрмон, дашт ўтларидан тўқилган қўйлақлар қийиб юришади. Бунда рамз борлиги, шубҳасиз. Аслида инсон табиатни эмас, табиат инсонни оқ ювиб, оқ тарайди. Табиатнинг турфа ранг либосларидан «қўйлақ қиймаган» юрак яланғоч ва бағоят фойзсиз қолаверади. Инсонни мана шу бадбахтликдан муҳофаза қиладиган шу бахтсизликка қарши тинимсиз қурашадиган Кахрамонлардан энг фаоли – Шеърят. Фуркат поэзиясида ҳам табиат ва инсон, инсон ва табиат муносабатлари анча кенг, жонли ва чуқур ифодаларини топган. Фуркат мусаввир шоир, сўз сувраткаши. У бир қатор шеърларида дилбар табиатли юрт манзараларини ёркин қишади. Байтлардаги лавҳалар нафис. Жозибадор. Сиз уларда субҳидам шабнамларидан хуррам яшнок сабзаларни кўрасиз. Гул уза абри найсонлардан тўқилаётган томчилар сасини тинглагандай бўласиз. Қумриларнинг хонишидан қўнғил яйрайди. Булбулнинг чахчахлари хаёлий нурлантиради. Қийди қўқ қилиб сунбул зулфини паришонлар, дейди шоир. Қандай қўрқам тасвир. Хаёлни эгаллайди. Ёки мана бу чақинвор садолар-чи:

Бир сахар эдим уйгок: ўт тутошди оламга,

Тоглар чекиб ларза, титради биёбонлар.

Жонлантириш, кишнни ходисанинг жонли иштирокивсига айлантриш санъати бундан ортик бўлади дейсизми? Фуркатнипг бундай газалларида сўз табиат унсурлари тимсолига кўчади. У – бир холатда, навбахор шамоли – шўх, хушбўй, эрка. Бир байтда – мисоли сунбул, паришон. Сал кейинрок сайроки булбуллар оханглари акс эттиради. Фуркат ушбу овоз ва оханглардан таркиб топган ягона муаззам мусикани юзага келтирадики, бу музика рухни уйготади, гофил инсон аклини аллакандай туткунлик, бикиклик губорларидан тозалайди. Фуркат «Навбахор айёми бўлди, келинг, эй ахбоблар», «фасли навбахор ўлди кетибон зимистонлар» мисралари билан бошланадиган газалларида одамларни факат табиатдан завкланиш, хаётий бахра топиш ёхуд гўзалликлар салтанатигагинамас, балки эркинликка, эрк шавкларини суришга ҳам чорлайди. Бу шеърлар умри «ранжу гуссага» ботганларга каратилган поэтик таклиф – хурлик нашъасидан хузурланишга таклифдир. Шунини ҳам кайд килмок лозимки, инсон эркинлиги ва табиат, коинот ва шахс озодлиги Фуркат дупёкарашида айтарли битта тушунча. «Гулшан», «чаман», хусусан, «сахро» образининг шоир лирикасида фаол кўлланиш сабаби ҳам шунда. Жамият тараккиёти конуниятлари, озодликнинг ижтимоий-сиёсий йўлларинин атрофлича билишгача бориб етмаган Фуркат шеърларида эрксеварлик мотивлари у ё бу шаклда асосан она табиатга боғланади. Шоирнинг зулм ва зўравонликка кахр хислари билан йўгринган, эрк ва озодлик гоёси фавкулудда таъсирчан пардаларда тараннум этилган машхур «Сайдинг кўябер, сайёд» мусаддасинин эсланг. Унда оху – туткунлик рамзи. Хукуксиз, хўрланган кишилар тимсоли. Шоир охунинг золим ва ситамкор сайёд бандидан буткул халос бўлиб, озод яшашини тилайди. Бу эркинлик кандай зохир бўлиши мумкин! Муаллиф тасаввурига кўра: тогларга чикиб у ёри билан пайваста кезганда, «ёмгир суви тўлганда, тог лолани жом» килганида: «тогда очилиб лола, ер сабза бахор ўлса», анга оламини тор этиш бедодлигига бархам берилса. Хеч шубхасиз, бу шеърий далиллар оху образи характер талаби ва мохиятидан келиб чиккан. Аммо улар классик поэтикадаги ташхис усулида шундай шахслантирилганки, ўкувчида беихтиёр «хижрон ўкидин жисми кўп ёра», «куйган жигари – багри садпора» гуссакаш одам эркинлиги ҳам бевосита мазкур омилларга алоқадор, деган таассурот кўзгалади.

Фуркат шеърияти – инсоннинг ўз-ўзини чеклайдиган ички куллик, якранглик ва онгни бўғадиган фикрий кишанлардан халос килишга актив хисса кўшадиган сохир шеърият. Заминнинг кайси бурчагидаки, хаксизликдан мардумнинг дарди ичига сигмаётган бўлса, демак Фуркат эрк сайёдларини лаънатлаётир. Демак, унинг шеърларидан бахтсиз кишиларнинг кайгу ва армон сўзлари эшитилмокда. Шу маънода Фуркат ўтмишнинггина эмас, бугуннинг, бир миллатнинггина эмас, кўп халкларнинг ҳам шоиридир.

Шеърият – 86.

Тошкент: Гафур Гулом номидаги

Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.